**Бюджет, хўжалик юритувчи ташкилотларга қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш хизматлари бўйича 27.07 - сонли**

**Шартнома**

Самарқанд ш. «28» январ 2022 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Самарқанд шаҳар "Мароканд обод" ДУК номидан Низом асосида иш олиб борувчи, директор (қуйида «Ижрочи» деб юритилади) - Р. М. Тўлдинов (Ф.И.Ш.)
ва асосида иш юритувчи Ободонлаштириш бошқармаси
«Буюртмачи» номи)
Ю. Бобоназаров (қуйида « Буюртмачи » деб юритилади)
(Лавозими Ф.И.Ш.)
қуйидагилар юзасидан ушбу шартномани имзоладик:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Мазкур шартнома қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва марказий чикиндихонага жойлаштириш хизмат тартибини белгилайди.

1.2. « Буюртмачи » кўрсатилган хизматлар учун тўловларни "Ижрочи" га ўз вақтида ва тўлиқ хажмда тўлашга мажбур.

1.3. Томонлар қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва жойлаштириш хизматлари кўрсатишга оид ушбу шартнома шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрельдаги "Чиқиндилар тўғрисида" ги Қонуни хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 6 феврал 95-сонли Қарори билан тасдиқланган "Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларнни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш Қоидалари" га амал килишади ўз зиммаларига оладилар..

**2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

2.1. Юридик шахслар қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 ноябрдаги №5580 Фармонига асосан, 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни, 22-55 кун мобайнида амалга ошириши шарт.

2.2. Маиший чиқиндиларни жойлаштириш буйича хизматлари учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган тарифлар бўйича амалга оширилади. Мазкур тарифлар ўзгарган тақдирда, тўловлар амалдаги янги тариф бўйича амалга оширилади.

2.3. Ижрочи Буюртмачининг марказий чикиндихонасига жойлаштириш бир ойда **88** маротаба олиб кириш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда "Йўналиш варақасига" ва буюртмачини аризасига бажарган ишлари юзасидан белги қўйдиради. Қаттиқ маиший чиқиндини ёки суюқ ҳолатдаги умумий чиқиндиларни тўпланиши **1тонна 56 467сўм 07 т.** ҳисобида белгиланади.

2.4. Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх ҳар бир **тонна** ёки **м3** маиший чиқинди учун бир ойда **150 000 000.сўм 00т.** ташкил этади. Шартнома бўйича чиқинди миқдори **2656,41тонна,** тўловнинг умумий суммаси **150 000 000сўм. Бир юз эллик миллион сўм 00т.** ташкил этади.

**3. Буюртмачининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

**3.1. Буюртмачининг хуқуқлари:**

шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган хажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни марказий чикиндихонага жойлаштириш хизматларидан фойдаланиш;

Ижрочидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочига ёзма шаклда шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилиш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**3.2. Буюртмачичининг мажбуриятлари:**

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни марказий чикиндихонага жойлаштириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Ижрочи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4% пеня ҳисоблайди, ҳисобланган пеня миқдори қарздорлик суммасининг 50% идан ошмаслиги лозим;

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради.

**4. Ижрочининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

**4.1. Буюртмачининг хуқуқлари:**

Ижрочи шартнома мажбуриятларига риоя қилмагани учун Истеъмолчига нисбатан чоралар кўришга, шунингдек қонунчиликда ёки шартномада белгиланган неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:**

белгиланган муддатларда қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни марказий чикиндихонага жойлаштиришни амалга ошириш;

қонунчиликда, мазкур Қоидаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Буюртмачига зарур сифатдаги қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;

қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Буюртмачининг буюртманомаларини бажариш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни марказий чикиндихонага жойлаштириш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисобварақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни марказий чикиндихонага жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар қонуний кучга киришидан 15 кун аввал Буюртмачининг абонентлик пунктларида эълонлар осиш йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали Буюртмачига маълум қилиш;

Буюртмачига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

каттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Буюртмачига бепул тақдим этиш.
Маиший чиқиндиларни жойлаштириш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Буюртмачига бепул тақдим этиш;

**5. Томонларнинг жавобгарлиги**

**5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги:**
каттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

**5.2. Ижрочининг жавобгарлиги:**
Маиший чикинди ва каттик маиший чикиндиларни жойлаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар муддатининг ва мазкур хизматлар кўрсатилаётганда аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилиши;
Хизматлар кўрсатиш ва камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилганлиги учун жариманинг ўз вақтида тўланмаганлиги;

**6. Форс-мажор**

6.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келган енгилмас кучлар сабаб бўлиши мумкин. Кўчки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий хатти-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

**7. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

7.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан хал қилинади.
7.2. Шартнома ижроси буйича юзага келган низолар, талабнома юборилгандан сўнг тарафлар ўртасида хал этилмаган такдирда, низолар амалдаги қонунчиликка асосан Самарқанд шаҳар иқтисодий суди оркали ҳал қилинади.

**8. Шартноманинг амал қилиш муддати**

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва хар бир тарафда бир нусхадан сакланади. Шартнома тарафлар имзоланган пайтдан кучга киради.
8.1.1. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик булинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Карорига мувофик, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради. Бюджетдан маблаг олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси Қоидалари” га асосан амал қилиш муддати 31 декабр 2019 йилгача белгиланади.
8.2. Шартнома имзоланган кундан 1 йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади ва тарафларнинг биронтаси шартномани бекор қилиш ҳақида мурожаат қилгунга қадар кейинги муддатга узайтирилган ҳисобланади. «Истеъмолчи» шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал “Ижрочи” ни огоҳлантирган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлиқ тўлаб қўйган бўлиши лозим.
8.3. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.
8.4. Ушбу шартномада ўз ифодасини топмаган бошқа масалаларнинг хал қилинишида томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 феврал 95-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларнни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш Қоидалари” га амал килишади.

**9.Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари**

**“Ижрочи”**

**Самарқанд шаҳар “Мароқанд обод” ДУК**
Манзил: Самарканд шаҳри,
Фирдавсий кўчаси 135 уй
Тел: +998 66 237-06-89.237-17-15
Ўзмиллийбанк Самарқанд бўлими
х/р-20208000900273927001
МФО-00278, СТИР-207201815

Директор ____________________

**М.Ў.**

**“Буюртмачи”**

SAMARQAND SHAHAR HOKIMLIGI
OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI
Samarqand shahar, Gagarin ko'chasi 1yo'lak 1-uy
ShHR:
MFO:00022 STIR:204 858 743

Манзил:
Тел:
Х/р.
ИНН:
Ғазначилик булинмасининг номи
ЯГХ 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи:Марказий банкнинг
Тошкент шаҳар Бош бошкармаси МФО:00014
Ғазначилик булинмасининг ИИНи 201 122 919

____________________
(ФИШ раҳбар)

**М.Ў.**

**Юридик хулоса:**
Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонуни талабларига мувофиқ келади.

**Юристконсультант** ____________________

**T A S D I Q L A N G A N**

**"Marokand Obod" DUK direktori v.b**

**R.To'lqinov**

**« 5 » январь 2022 й.**

**Samarqand shahar "Marokand Obod" DUKning 2022 yilda qattiq maishiy chiqindilarni to'plash, tashish, utilizatsiya qilish, qayta ishlash va ko'mish xizmatlarining hisob kitob**

1. **Poligonda chiqindilarni surishda maxsus texnikasiga texnik xizmat ko'rsatish xarajatlari:**

Maxsus texnikaning 1 soat xizmat ko'rsatish xarajati - 463 476 so'm. 1 kunlik xarajati 463 476 * 7 = 3 244 332 so'm

**2. Yoqilg'i sarfi**:

a) Dezil yoqilg'isi 1 litr 9 300 so'm

1 soat uchun o'rtacha iste'mol darajasi - 49 litr, 7-soat ishlaganda 343-litr sarflaydi.

343x9 300 =3 189 900 so'm.

b) Gaz (metan) yoqilg'isi 1m3 2600 so'm

Gaz sarfi 100 km uchun iste'mol darajasi 87.2 m3 va kuchlanishda +10 % qo'shilib, iste'mol sarfi ko'tariladi.

95.9*249 392 so'm

**3. Poligonda chiqindilarni kumish** "Рекультивация" jarayonida bir kunlik o'rtacha tashilgan reyslar soni 29 tani tashkil etadi. 1-reys 173 913 so'm.

29*173 913=5 043 477 so'm

**4. Yoqilg'i moylash materiallari, zaruriy ehtiyot qismlari o'rnatishda o'rtacha sarfi:**

a) Akkumulyator 652 000 so'm 6 ta akkumulyator. 1 batareyaning ishlash muddati 18 oy.

3 912 000 so'm : 18 oy : 26 kun = 8 359 sum

b) Yuk transporti uchun shinalar -12 dona, 1 dona shina narxi 2 793 000 so'm, yurish davri 45 000 km.

12x 2 793 000 so'm=33 516 000:18:26=71 615 so'm

c) Hydraulik moyi 80 litr. 1-litr 27 980 so'm. 27 980*80:26=86 093 so'm

d) Engine Oil Enos 15w40 100 litr 1-litr 30 400 so'm 30 400*100:26=116 923 so'm

e) Antefriz 60 kg. 1-litr 12 320 so'm. 12320*60:26=28 431 so'm

**5. To'g'ridan-to'g'ri ishlab chiqarish xarajatlari**

TO-1, TO-2, joriy ta'mirlash –7 620 000 so'm

7 620 000:12:26=24 423 so'm

**6. Ish haqi:**

Shtat jadvaliga muvofiq bir oylik ish haqi **23 088 290 so'm**

23 088 290 : 26=888 012 so'm

Yagona ijtimoiy to'lov 12% -2 770 595 so'm

2 770 595 : 26 =106 561 so'm

**7. Materiallar**

a) Kombinezon 1 ta 160 000 so'mlik 7 ta to'plamlari

1 120 000 : 12 : 26 = 3589 so'm

b) Poyabzal 140 000 so'mdan 1 yillik 7-juft poyabzal.

980 000: 12: 26=3141 so'm

v) Qo'lqoplar 5500 so'm 7-juft 1-oy uchun

38500 : 26 =1481 so'm

d) belkuraklar, 1 dona narxi 85 000 so'mni tashkil etadi.

85 000: 6: 26 x 4 =2179 sum

**8. Kommunal xizmatlarining hisob kitob**

a) Elektr energiya 1 kvt-450 so'm
bir oylik o'rtacha sarfi 1335.25 kv
1335.25*450=600 862 so'm Bir kunlik -23 110 so'm

b) Ichimlik suv-1 m3 3550 so'm
bir oylik o'rtacha sarfi 75 m3
3550*75=266 250 so'm. Bir kunlik -10 241 so'm

**9. Jami xarajatlari: 13 100 359 so'm**

a) QQS - 15% -1 965 054 so'm
b) Foyda 10% -1 310 036 so'm

**Umumiy so'mma- 16 375 45 so'm**

**Poligonga o'rtacha bir kunlik chiqindi tashish miqdori 290 tonna**

1 tn narxi QQS bilan - 56 467.07 so'm.
1 m3 narxi QQS bilan - 28 233.54 so'm

**Bosh iqtisodchi** **I.Urakov**

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**SAMARQAND SHAHAR HOKIMLIGI**

**Yuridik shaxsni davlat ro`yxatidan o`tkazish to`g`risida**

# GUVOHNOMA

Reestrdagi № 001 № 001
2014 yil 15 Январ

**Mazkur guvohnoma**
**Samarqand shahar hokimligi huzuridagi "MAROQAND OBOD"**
**Davlat unitar korxonasiga berildi**

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | THSH (ОПФ) | **1200** |
| Mulkchilik shakli: | MSH (ФС) | **135** |
| Pochta manzili: Gagarin ko'chasi, 1-yulak, 1-uy | MHBOT (СОАТО) | **1718401** |
| Tarmoq kodi: | XXTUT (ОКОНХ) | **51121** |
| Korxonaning xo'jalik yurituvchi sub'ekt nomi | KTYT (ОКПО) | **25010985** |
| Soliq to`lovchining identifikasiya raqami | STIR (ИНН) | **207201815** |

Qo`shimcha ma`lumotlar: Samarqand shahar hokimining 2013 yil 28 dekabrdagi 2120 - sonli qarori.

**Shahar hokimining o`rinbosari** **J.Urakov**

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: E01036835530


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170800, Samarqand shahar, Kurchatov ko'chasi, 9-uy,
tel.: (998 66) 233 34 37, el.pochta: Samarqandyurmarkazi@mail.ru


2022 yil__yanvar__-son

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**SH A R T N O M A**

**Samarqand shahar obodonlashtirish boshqarmasi** (buyurtmachi) hamda **"Мароканд обод" ДУК** (ijrochi) bilan 28.01.2022-yil tuzilgan 2707 sonli byudjet, xo`jalik yurituvchi tashkilotlarga qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni joylashtirish xizmatlari bo`yicha shartnoma ya`ni qattiq va suyuq chiqindilarni to`plash va markaziy chiqindixonaga joylashtirish xizmat tartibini belgilash to`grisida (**MCHJ guvohnomasi, O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda "Xo`jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to`g`risidagi qonun)**

**Samarqand shahar obodonlashtirish boshqarmasi** (buyurtmachi) hamda **"Мароканд обод" ДУК** (ijrochi) bilan 28.01.2022-yil tuzilgan 2707 sonli byudjet, xo`jalik yurituvchi tashkilotlarga qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni joylashtirish xizmatlari bo`yicha shartnoma ya`ni qattiq va suyuq chiqindilarni to`plash va markaziy chiqindixonaga joylashtirish xizmat tartibini belgilash **1 tonna uchun 56 467 so`m 07 tiyin** chiqindi miqdori **2656,41 tonna** umumiy qiymati QQS bilan **150 000 000** (bir yuz ellik million) so`m bo`lgan shartnoma O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo`jalik yurituvchi subektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to`g`risidagi qonuni talablariga muvofiq tayyorlangan.

**Samarqand shahar obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 28.01.2022-yil tuzilgan va 28.01.2022-yil tizimga kiritilgan**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022-yil 28-yanvar

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**
**Bosh yuriskonsulti**

**A.Mustayev**